



ХАЛҚАРО НОРДИК УНИВЕРСИТЕТИ

**Иқтисодиёт ва педагогика факультети,
Иқтисодиёт ва бизнесни бошқариш кафедраси**

Сабилов Хасан Нусратович

Озиқ - овқат саноатида таркибий ўзгаришларини моделлаштириш

Ҳар бир мамлакат иқтисодиётида одамларнинг турмуш фаровонлиги яхшиланишига ва барча ресурсларнинг имкониятларидан самарали фойдаланишга таъсир кўрсатадиган соҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиши кўп жиҳатдан озиқ-овқат саноатининг самарали ривожланиши билан боғлиқ.

Ҳозирги вақтда республика аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари асосан маҳаллий ишлаб чиқариш, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан қондирилмоқда. Мамлакат аҳолисини юқори сифатли ун, дон, нон ва макарон маҳсулотлари, қандолат маҳсулотлари, ёғ-мой маҳсулотлари, гўшт ва сут маҳсулотлари, озиқ-овқат концентратлари каби кенг истеъмол товарлари билан таъминлаш халқ хўжалигининг энг муҳим вазифаси сифатида эътироф этилган.

Бугунги кунда сифатли озиқ-овқат маҳсулотларга бўлган аҳоли эҳтиёжларининг юқори суръатлар билан ўсиб ва таркибининг доимий равишда янгиланиб бораётганлиги, жаҳон иқтисодиётида юз бераётган шиддатли

инновацион жараёнлар ҳамда давлатлараро иқтисодий рақобатнинг кескинлашуви, ўзгарувчан бозор конъюктурасига мос келувчи озиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг самарали тузулмасини шакиллантириш ва шу йўл орқали тармоқда муҳим таркибий сиёсат олиб бориш, бугунги кунда долзарб иқтисодий вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу сабабли ҳам ушбу озиқ-овқат саноати тармоғини шакилланган ишлаб чиқариш таркибини баҳолаш, мазкур таркибга баҳо беришда ундаги улушларнинг шакилланиш қонуниятларини тадқиқ этиш, жуда муҳим ўрин тутади ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқариш таркибида мақбул мутаносибликни шакиллантириш тармоқда самарали таркибий сиёсат олиб боришнинг асосий шарти ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, хусусан, мамлакатимиз юқори технологияли тармоқларида таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, шунингдек, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш каби масалаларга алоҳида эътибор мавжуд бўлиб, бунда юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатдан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш каби вазифаларни амалга ошириш алоҳида иқтисодий аҳамият касб этади¹.

Шунинг учун ҳам мазкур тадқиқотда озиқ-овқат саноати тармоғидаги таркибий ўзгаришларни баҳолаш ва ундаги муҳим миқдорий ўзгаришларни тадқиқ этиш масалаларига асосий эътибор қаратилган. Тадқиқотда озиқ-овқат саноати ишлаб чиқаришидаги таркибий ўзгаришларни баҳолаш масаласи “мутаносиблик коэффициенти” ҳамда “такомиллаштирилган Lilien индекси” каби усуллар ёрдамида амалга оширилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. www.lex.uz

Илмий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, озиқ-овқат саноатидаги таркибий ўзгаришларни миқдорий баҳолаш масалалари ва унинг иқтисодий жиҳатлари етарлича изланиш олиб борилмаган. Лекин, миллий иқтисодиёт ва унинг тармоқ таркибида кечаётган таркибий ўзгаришлар ҳамда уларнинг келиб чиқиш сабаблари қўйилаётган масалага нисбатан аниқроқ ёритилган.

Тўхталиб ўтиш керакки, кўпгина тадқиқотларда "таркибий ўзгариш" тушунчасига нисбатан статистик ёндашувлар жуда кенг тарқалганлиги кўзга ташланади. Айниқса, бундай ёндашувлар Т.Н. Агапова, А. Буз-Галина, К. Гатев, М.Р.Ефимова, В.К. Задорожний, Л.С. Казинц, А. Колганов, О. Ю. Красилникова, С.В. Курйшева, В.М. Рябцева, А. Салай, М.М. Юзбашева ва М.Лендесмен асарларида жуда кенг ўрин эгаллаган бўлиб, бунинг асосий сабаби иқтисодий ходисаларнинг макон ва замондаги ўзгаришларини тадқиқ этиш статистика фанининг асосий предмети эканлигидадир.

Жумладан, Л.С. Казинецнинг фикрича, тўплам алоҳида унсурларини ифодаловчи улушларнинг вақт мобайнида ўзгариши, таркибнинг ўзгаришини, яъни таркибий силжишларни билдиради².

“М.Лендесменнинг таъкидлашича, таркибий ўзгариш ва таркибий ўсиш тушунчаси икки турда амалга ошади. Биринчиси – таркиблар тузулиши ўзгариши, яъни ишлаб чиқариш, иш билан банд кишилар сони, экспорт, импорт ва ҳоказолар. Иккинчиси – таркиблараро муносабатлардаги ўзгаришлар, ишлаб чиқариш ва ишчи кучи орасидаги алоқалар ёки тўғридан – тўғри инвестициялар, импорт – экспорт динамикаси ва бошқалар. Таркибий ўзгариш иқтисодий тизимларнинг сифати яхшиланишини ва тадрижий ривожланишини ифодалайди. Одатда иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар технологик ва маъмурий ўзгаришларда кузатилади. Иқтисодиётнинг муҳим омилларидан бўлган технологиялар, саводхонлик даражаси ва институционал бирликлар иқтисодий ўсишнинг таркибий жиҳатларига жиддий таъсир ўтказади”³.

² Казинец Л.С. Измерение структурных сдвигов в экономике. – М.: Экономика, 1969. -27

³ Юсупов Р., Шомуродов Т. Миллий иқтисодиёт тармоқларида иқтисодий ўсиш хусусиятлари ва унинг ўзгаришлари таҳлили. Biznes – Эксперт. №11(131) – 2018.

Шунингдек, таркибий ўзгаришлар ва уларнинг миллий иқтисодиётга таъсирини А.Льюис тадқиқотларида ҳам ўз аксини топган бўлиб, илмий изланишларида иқтисодиётнинг икки йирик, яъни аграр ва саноат тармоқлари кўриб чиқилган. Льюиснинг фикрича, аграр тармоқда ишчи кучи таклифи юқори бўлиб, унинг бир қисмини саноат тармоғига қайта тақсимлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди ва шу йўл орқали иқтисодий ўсиш суръатини тезлаштиришга эришиш мумкинлигини қайд этади. А.Льюис тадқиқотларида иқтисодий ўсиш икки турга ажратилади ва саноат тармоғи унинг асосий манбаи сифатида изоҳланади. Мазкур тармоқда кўшимча ишчи кучидан фойдаланиш иқтисодий ўсишни таъминловчи асосий механизм деб қаралади. Шунинг учун ҳам унинг изланишларида ишчи кучи реал иш ҳақи функциясининг аргументи ҳисобланади⁴.

А.Льюиснинг ушбу тадқиқотиغا айнан ўхшаш бўлмасада, бироқ унинг тадқиқотлари мазмунига қайсидир маънода яқин бўлган илмий изланишларни Э.Энгель тадқиқотларида учратиш мумкин. Айниқса, Энгелнинг биринчи қонунига кўра, “уй хўжаликларининг даромадлари ошиб борган сайин, уларнинг истеъмоли таркибида озиқ-овқат (аграр маҳсулотлар) маҳсулотларига бўлган харажатлар камайиб боради”⁵.

Энгелнинг қонуни уй хўжаликлари истеъмолидаги таркибий ўзгаришларни ифода этаётган бўлсада, аммо унинг иқтисодий оқибатлари миллий иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг турлича бўлиш сабабларини изоҳлаб беришга хизмат қилади. Негаки, олимнинг фикрича, уй хўжаликларининг даромадлари ошиб борган сайин, уларнинг истеъмоли таркибида қимматбаҳо товар ва хизматларга бўлган харажатларнинг улуши ортиб боради. Бу эса қимматбаҳо товар ва хизматлар яратаётган тармоқларнинг ўсишини рағбатлантиради деб изоҳлаган.

Иқтисодий ривожланиш даражаси тўғридан – тўғри саноатнинг технологик таркиби билан боғлиқ эканлиги илк бора К.Кларк ўз

⁴ Нуроев Р.М. Экономика развития: модели становления рыночной экономика: учебник / Р.М. Нуроев. – 2-е изд., перераб.и доп. – М.: Норма, 2008. – 51с.

⁵ Acemoglu D. Advanced Economic Growth: Lecture 19: Structural Change. MIT. November 12, 2007. -5p.

тадқиқотларида ифодалаган. Унинг илмий изланишига кўра, юқори ривожланишга эга бўлган мамлакатларда юқори технологияли (металлургия, машинасозлик, транспорт ва алоқа воситаларини ишлаб чиқариш, кимё ва нефт – кимё ишлаб чиқариш) ишлаб чиқаришларнинг улуши юқори эканлиги қайд этилади⁶.

Шу билан биргаликда, британиялик иқтисодчи Н.Калдор биринчилардан бўлиб, мамлакатдаги қайта ишловчи саноатнинг ўсиш суръати узок муддатли иқтисодий ўсиш суръатининг аргументи эканлигини тадқиқ этган ҳолда, қайта ишлаш ҳажми ва иқтисодий ўсиш суръатлари ўртасида ўзаро ижобий корреляция мавжуд эканлигини аниқлаган⁷.

Шунингдек, С.О.Хомидов ўзининг илмий тадқиқотида фармацевтика саноати ишлаб чиқаришидаги таркибий баҳолашда мутаносиблик коэффициенти ва такомиллаштирилган *Lilien* индексидан фойдаланилган. Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари улушининг максимал 1.33 фоиз кўрсаткичини қайд этган ва бу етарлича эмаслигини қайд этган⁸.

Шумпетер: "иқтисодий тизимни ҳаракатга келтирувчи асосий импульс - истеъмол структурасининг янгиланишидан, товар ишлаб чиқариш ва етказиб беришнинг янги усулларини қўллашдан, бозорлар фаолиятини яхшилашдан ва иқтисодиётни ташкил этишнинг замонавий шаклларини қўллашдан боғлиқ бўлади"⁹.

Э.Энгел: аҳоли жон бошига даромадларнинг ўсиб бориши билан, истеъмол талаби таркибидаги озиқ-овқатга қилинадиган харажатлар улуши

⁶ Акаева С.А., Соколов В.Н. Об отраслевых и технологических структурных сдвигах, необходимых для модернизации российской экономики. Модернизация. Развитие. 2016. Т.7.№3. – 38с.

⁷ Kaldor N. (1966). Causes of the Slow Rate of Economic Growth of the United Kingdom: An Inaugural Lecture. Cambridge University Press.

⁸ Хомидов С.О. "Фармацевтика саноати ишлаб чиқаришидаги таркибий ўзгаришлар ва уларни баҳолаш". Иқтисодиёт ва таълим. 2020 №2 105 - 112 б.

⁹ Кузнец С. Экономическая система д-ра Шумпетера, излагаемая К-89 и критикуемая; Перлман М. Две фазы заинтересованности Кузнеця Шумпетером / Сост. д-р геогр. наук, проф. В. М. Московкин, канд. истор. наук Д. Ю. Михайличенко, перев. Е. Е. Перчик; Под ред. д-ра экон. наук, проф. В. С. Пономаренко. - Х. : ИД «ИНЖЕК», 2013. - 128 с. Русск. яз.

камайиб боради (биринчи қонуни)¹⁰. Таркибий ўзгариш иқтисодий тизимларнинг сифати яхшиланишини ва тадрижий ривожланишини ифодалайди. Одатда иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар технологик ва маъмурий ўзгаришларда кузатилади. Иқтисодиётнинг муҳим омилларидан бўлган технологиялар, саводхонлик даражаси ва институционал бирликлар иқтисодий ўсишнинг таркибий жиҳатларига жиддий таъсир ўтказади.

Кўпгина экспертларнинг фикрларига кўра, жаҳон иқтисодиётидаги чуқур таркибий номутаносибликнинг мавжудлиги сўнгги глобал инқирознинг асосий сабабларидан бири сифатида эътироф этилди. Бироқ, олиб борилган кўп сонли тадқиқотлар шуни кўрсатадики, "таркибий номутаносиблик" нафақат сўнгги глобал инқирознинг асосий сабабларидан бири бўлган, балки у ўтган глобал инқирозларнинг ҳам асосий сабабларидан бири сифатида қайд этилган. Хусусан, Г.Меншнинг фикрига кўра, айнан 1971-1974 йилларда ГФР иқтисодиётидаги таркибий беқарорлик 1975-1976 йилларда жуда кучли ишлаб чиқариш инқирозини келтириб чиқарган ва бошқа мамлакатларда ҳам мазкур ҳолат кузатилган.

Иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги тўғри мутаносибликнинг мавжуд эмаслиги иқтисодий инқирозларни келтириб чиқарса, мутаносибликнинг бузилишига эса, давлатнинг фискал сиёсати, пул хўжалиги ва банк соҳасидаги камчиликлари сабаб бўлиши мумкинлиги қайд этилган¹¹.

Илмий манбаларга кўра, Кондратев катта цикллариининг "дивигател"лари бу - таркибий катта силжишлар ва баҳолар мутаносиблигидаги кескин ўзгаришлар бўлиб, айнан талаб ва таклиф номутаносиблигига давлат бюджетининг камомадлиги, инвестиция ҳажмининг иқтисодиёт имкониятидан ўсиб кетиши, ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлиги ўсишидан иш ҳақининг ўсиши олдин кетиб қолиши, давлат нархларининг турли сабабларга кўра оширилиши оқибатида талаб

¹⁰ K.W. Clements, Jiawei Si [Engel's Law, Diet Diversity, and the Quality of Food Consumption](#)//American Journal of Agricultural Economics, Vol. 100, Issue 1, January 2018, pp. 1–22, doi 10.1093/ajae/aax053

¹¹ Менш Г. Технологический пат: инновации преодолевают депрессию. М., 2001

ҳажми ва тузилмасининг бузилиши каби омиллар олиб келиши мумкинлиги аниқланган.

Юқоридаги илмий изланишнинг мантиқий давоми сифатида иқтисодийнинг энг юқори технологияли тармоғи ҳисобланган озиқ-овқат саноати ишлаб чиқаришидаги таркибий ўзгаришларни миқдорий баҳолаш масаласи қуйида кўриб чиқилади.

Илмий ва иқтисодий адабиётларда таркибий ўзгаришларни тавсифлаш ва баҳолаш юзасидан турли хил ёндашувлар мавжуд. Булардан биз тадқиқот хусусиятини инобатга олган ҳолда П.Ватник томонидан таклиф этилган “мутаносиблик коэффициенти” фойдаланилади ва у қуйидагича топилади¹².

$$Prop [X, Y] = \frac{(\sum_i X_i Y_i)^2}{(\sum_i x_i^2)(\sum_i Y_i^2)} \quad (2.2.1)$$

П.Ватникнинг “мутаносиблик коэффициенти” турли таркиб ёки тўпламларни баҳолаш имкониятини беради ва ушбу коэффициент қуйидагилар билан характерланади:

ихтиёрий $a, b > 0$ учун, $Prop [aX, bY] = Prop [X, Y]$ тенглик ўринли бўлади;

мутаносиблик коэффициентининг барча мумкин бўлган қийматлари $0 \leq Prop [X, Y] \leq 1$ оралиқда ётади.

Мутаносиблик коэффициенти, мазмунан эталон ва баҳоланаётган таркиблар ўртасидаги яқинликнинг сонли ўлчовини ўзида ифода этади. Агар улар тўлиқ ўхшаш бўлса, у ҳолда $Prop [X, Y] = 1$ бўлади. Бироқ, юқоридаги тадқиқотда “эталон таркиб” ёки “эталонлик” мезони тушунчаларига нисбатан етарлича назарий изоҳлар берилмаган¹³.

Айнан, юқоридаги (2.2.1) формула Е.Горлова тадқиқотларида ҳам учрайди ва бунда $x_i - i$ – чи тармоқнинг баҳоланаётган мамлакат ЯИМдаги улуши, y_i – эса, худди шу i – чи тармоқнинг эталон таркибли ЯИМдаги улуши сифатида қайд этилган. Мазкур тадқиқотда ҳам “эталонлик” ва “эталон

¹² Акаев А. Михайлушкин А., Сарыгулов А., Соколов В. Анализ динамики отраслевой и технологической структуры экономик стран ОЭСР // Экономическая политика. 2009. №2. С. 116-127.

¹³ Акаев А. Михайлушкин А., Сарыгулов А., Соколов В. Анализ динамики отраслевой и технологической структуры экономик стран ОЭСР // Экономическая политика. 2009. №2. С. 116-127.

мамлакатлар” тушунчаларига нисбатан етарлича изоҳлар берилмаган. Аммо, ушбу изланишда “ИХРТ (Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти) мамлакатлари” бўйича шакиллантирилган миллий иқтисодиётнинг тармоқ таркиби эталон таркиб сифатида қабул қилинган¹⁴.

Е.Б.Олейник илмий изланишларида юқорида қайд этилган (1) формула бўйича x_i ва y_i ўзгарувчилар вақтнинг турли моментларидаги таркибнинг ҳолатини ифодаловчи мос кўрсаткичлар ҳисобланади ва бунда мутаносиблик коэффициенти таркибий характерга эга эканлиги ҳамда у ўзгарувчиларнинг ўзаро мутаносиблик даражасини аниқлаб бериши таъкидланади¹⁵.

С.Хомидовнинг фикрича, “эталон таркиб” бу – “самарали шакиллантирилган таркиб” бўлиб, баҳоланаётган барча таркиблар у билан солиштирилиб кўрилади ва мутаносиблик коэффициентининг олинган эмпирик қийматларига қараб туриб, баҳоланаётган таркиблар қай даражада “самарали шакиллантирилган таркиб”га нисбатан мутаносиб эканлиги тўғрисида хулоса қилган¹⁶.

Юқоридаги изланишларни ва фикрларни инобатга олган ҳолда, “эталон таркиб” вазифасини тадқиқот давридаги (2010-2018 йиллар) алоҳида йиллик озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмидаги улушларининг ўртачасидан ташкил топган таркиб бажаради.

Таркибий ўзгаришларни баҳолашда яна бир муҳим усуллардан бири бу – “Lilien индекси” бўлиб, у қуйидагича аниқланади¹⁷:

$$LI_{s,t} = \sqrt{\sum_{i=1}^n x_{[it]} \cdot \left(\ln \frac{x_{[it]}}{x_{[is]}} \right)^2}, \quad x_{[is]} > 0, \quad x_{[it]} > 0 \quad (2.2.2)$$

¹⁴ Горлова Е. Оценка качества технологической структуры обрабатывающей промышленности. Научные основы мобилизации резервов роста и модернизации экономики: материалы III Форума молодых ученых – экономистов / под общей редакцией д.э.н. Садыкова А.М. / Ташкент: IFMR, 2014. С. 121-122.

¹⁵ Олейник Е.Б. Формирование и реализация структурной политики в лесопромышленном комплексе региона (на примере Дальневосточного Федерального округа). Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. Владивосток – 2014. – 76с.

¹⁶ Хомидов С.О. “Фармацевтика саноати ишлаб чиқаришидаги таркибий ўзгаришлар ва уларни баҳолаш”. Иқтисодиёт ва таълим. 2020 №2 105 - 112 б.

¹⁷ Dietrich, Andreas (2009): Does growth cause structural change, or is it the other way round?: a dynamic panel data analyses for seven OECD countries, Jena economic research papers, No. 2009,034. -14p.

Бу ерда, $x_{[is]}$ ва $x_{[it]}$ – i озиқ-овқат маҳсулот ёки қайта ишлашнинг s ва t даврларда жами асосий озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмидаги улушлари бўлиб, LI индекси куйидан “0” билан чегараланади. Агар мазкур индекс “0” қиймат қабул қилса, у ҳолда қаралаётган даврда ушбу ишлаб чиқариш тузулмасида ҳеч қандай таркибий ўзгариш содир бўлмаганлигини билдиради. Шунингдек, мазкур индекс таркибдаги улушларнинг ҳажми ва дисперсия ўлчовини ҳам ҳисобга олади¹⁸.

Аммо, *Dietrich* ўз тадқиқотларида *Lilien* индексида $SCI_{[st]} = SCI_{[ts]}$ (SCI - таркибий ўзгаришлар индекси (structural change index)) ҳамда $S_{[s,t]} \leq S_{[s,q]} + S_{[q,t]}$ ($s < q < t$) шартларнинг бузилишини қайд этади ва шунинг учун ҳам у такомиллаштирилган *Lilien* индекси (MLI) қўллайди ва у куйидагича кўринишдадир¹⁹:

$$MLI_{s,t} = \sqrt{\sum_{i=1}^n x_{[is]} \cdot x_{[it]} \cdot \left(\ln \frac{x_{[it]}}{x_{[is]}}\right)^2}, \quad x_{[is]} > 0, \quad x_{[it]} > 0 \quad (2.2.3)$$

Агар, $\log_c \left(\frac{a}{b}\right) = \log_c a - \log_c b$ тенгликни эътиборга оладиган бўлсак, у ҳолда (3) формулани куйидагича ҳам ёзиш мумкин:

$$MLI_{s,t} = \sqrt{\sum_{i=1}^n x_{[is]} \cdot x_{[it]} \cdot (\ln x_{[it]} - \ln x_{[is]})^2}, \quad x_{[is]} > 0, x_{[it]} > 0 \quad (2.2.4)$$

Бунда, $x_{[is]} > 0, x_{[it]} > 0$ ва $\sum_{i=1}^n x_{it} = 1 \forall t$ ²⁰.

Илмий изланишларда мазкур индекс 0 ва 1 оралиғида ўзгариб туриши қайд этилади. Агар натижа қанчалик 0 га яқин жойлашса, у ҳолда таркибда аҳамиятли ўзгариш йўқлиги, агар натижа қанчалик 1 га яқинлашса, у ҳолда

¹⁸ Ansari M.R., Mussida C., Pastore F. Note on Lilien and modified Lilien index. The Stata Journal (2014) 14, Number 2, pp. 398-406.

¹⁹ Dietrich, Andreas (2009): Does growth cause structural change, or is it the other way round?: a dynamic panel data analyses for seven OECD countries, Jena economic research papers, No. 2009,034. -14p.

²⁰ Teuber M.O. Strukturwandel und Faktornachfrage in den mittel- und osteuropaischen EU – Beitrittslandern von 2004. Dissertation. Hamburg, Juli 2015. – 27 p.

таркибда юқори ўзгаришлар содир бўлганлиги таъкидланади²¹. Аммо, баъзи манбаларда мазкур индекснинг 0 ва 100 оралиғида ҳам ўзгариши қайд этилиб, унинг 0 қиймат қабул қилиши таркибий ўзгаришлар мавжуд эмаслигини, 100 қийматнинг қабул қилиниши эса, акс таркибий ўзгаришни ифода этиши қайд этилса²², айрим манбаларда эса, ушбу индекснинг минимал қиймати 0 га тенг эканлиги ҳамда унинг юқори чегараси эса мавжуд эмаслиги таъкидланади²³.

Nishi ўз тадқиқотларида MLI индекс қийматларининг паст бўлиши таркибий ўзгаришларнинг секин суръатларда бораётганлигини, унинг юқори қийматлари эса, таркибий ўзгаришларнинг юқори суръатларда бораётганлигини таъкидлайди²⁴.


Изданишнинг таҳлилларига кўра, 2010 - 2019 йиллар оралиғида ишлаб чиқарадиган sanoat (қайта ишловчи sanoat) таркибида асосий озиқ - овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши 16.1-29.28 фоиз оралиғида турлича ривожланиш тенденциясига эга бўлди. Қайта ишловчи sanoat маҳсулотлари таркибида асосий озиқ - овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши ўзининг энг қуйи кўрсаткичи 2019 йилда (мазкур таркибдаги улуши 16.1 фоиз) ташкил этган бўлса, 2016 йилда эса, мазкур таркибда энг юқори кўрсаткични 29.29 фоизни ташкил этди (2.2.1-расм).

²¹ Nedelka E. Structural changes and crises in South - East Asian countries. Вестник Омского университета. Серия «Экономика». 2016. №1. – 6 с.

²² Zulhibri M., Naiya I., Ghazal R. Structural Change and Economic Growth in Emerging Markets: A Cross - Country Analysis. p. - 14.

²³ Окладников С.М., Иванова А.М., Сафонов Т.А. Исследование влияния трансформации региональной экономики на уровень жизни населения. Вопросы статистики, 10/2016. - 77 с.

²⁴ Nishi H. Structural Change and Transformation of Growth Regime in the Japanese Economy. Discussion Paper No. E-15-001. Research Project Center Graduate School of Economics Kyoto University Yoshida - Hommachi, Sakyo - ku Kyoto City, 606 – 8501, Japan. April, 2015. - 7 p.



2.2.1-расм. Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида асосий озиқ - овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши (фоизда)²⁵

Асосий озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркибида 2015-2017 йиллар оралиғида гўшт ва гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш тармоқ улушининг пасайиш тенденцияси кузатилган бўлса, мазкур давр мобайнида нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш тармоқ улушининг ўсиш тенденцияси кузатилди. 2011-2014 йиллар давомида нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш улушининг ўсиш тенденцияси кузатилган бўлса, 2018 йилга келиб мазкур маҳсулотларнинг улуши ушбу таркибда пасайиш тенденциясини ифода этди (1-илова).

Олинган таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, асосий озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркибида энг катта улушни ун ишлаб чиқариш ташкил этган бўлса (таркибдаги ўртача улуши 41.68 фоиз), мазкур таркибда энг кичик улушни табиий чой (таркибдаги ўртача улуши 0.43 фоиз) ишлаб чиқариш ташкил этди. Асосий озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркиби учун эталон қийматлар 2010-2018 йиллар оралиғида йиллик озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг жами озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги улушларининг ўртача қийматлари ҳисобидан шакиллантирилди ва қуйидаги кўрсаткичларни ифода этди (2.2.1-жадвал).

²⁵ Манба: Ўзбекистон республикаси давлат статистика қўмитасининг йиллик статистик ахборотномалари маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.


2.2.1-жадвал

Асосий озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркиби учун эталон қийматлар

Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби	Эталон қийматлар (жамига нисбатан фоизда)
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	5,14
Сут ва сут маҳсулотлари	8,83
Ўсимлик ва мол ёғи	5,02
Шакар	7,45
Маргарин маҳсулотлари	0,62
Табиий чой	0,43
Нон ва нон маҳсулотлари	25,24
Қандолот маҳсулотлари	1,52
Макарон маҳсулотлари	1,94
Ун	41,68
Ёрма	0,75
Ош тузи	1,38
Жами:	100

Манба: Ўзбекистон республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Эмпирик таҳлил натижаларига кўра, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг шакиллантирилган эталон таркиби ҳамда 2010-2018 йиллар давомида шакилланган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркиби ўртасидаги мос мутаносиблик коэффициентларининг қийматлари қуйидаги тенденцияни ифода этди (2.2.2-расм).




2.2.2-расм. 2010-2018 йилларда шаклланган асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибларининг эталон таркибга мутаносиблиги (коэффициентда)²⁶

Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибларининг мутаносиблик коэффициентларидан кўриниб турибдики, мазкур кўрсаткич энг юқори қийматини 2012 йилда (қаралаётган йилда мутаносиблик коэффициентининг қиймати 0,9990 га тенг) қайд этилган бўлса, энг қуйи қийматини эса 2018 йилда яъни 0,9805 га тенг қийматга эга бўлди.

Тадқиқотнинг таҳлил натижалари жами озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 2012 йилда шаклланган таркиби бошқа йилларда шаклланган таркибларига нисбатан самарали эканлигини тасдиқлади. Чунки, мутаносиблик коэффициентининг мазкур йилда олинган эмпирик қийматлари асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг эталон таркибига жуда яқин эканлигини кўрсатади.

Олинган ҳисоб-китобларимизга кўра, такомиллаштирилган *Lilien* индекси (*MLI*) ўзининг энг қуйи қийматини (*MLI* индексининг қиймати 0.89) 2011-2012 йиллар оралиғида ифода этган бўлса, энг юқори қийматини эса, 2017-2018 йиллар оралиғида (*MLI* индексининг қиймати 9.48) ифода этди (2.2.3-расм).



²⁶ Манба: (1) формула асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

2.2.3-расм. Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибидаги умумий ўзгаришлар динамикаси (MLI индекси қийматларининг ўзгариши)²⁷

Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибидаги умумий ўзгаришлар динамикасида кўриниб турибдики, MLI индексининг қиймати 2011-2015 йиллар оралиғида барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлган. Агар MLI индексининг динамикасини Nishi тадқиқотларининг хулосалари асосида баҳолайдиган бўлсак, у ҳолда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби 2015-2018 йиллардаги ўзгаришлар юқори суръатларда борганлини қайд этиш мумкин.

Агар MLI индексининг динамикасидаги ўзгаришларни С.М. Окладникова тадқиқотлари асосида баҳолайдиган бўлсак, у ҳолда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 2014 йилда шаклланган таркибий тузилиши, унинг 2015 йилда шаклланган таркибий тузилишидан энг кам даражада, ҳамда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 2017 йилда шакилланган таркибий тузулиши, унинг 2018 йилда шаклланган таркибий тузулишидан энг юқори даражада фарқ қилганлигини қайд этиш мумкин²⁸.

Саноат ишлаб чиқаришнинг тармоқлари тузулмасини ўзгартириш ва такомиллаштириш иқтисодий, илмий - техник ва ижтимоий сиёсатнинг асосий негизи бўлиб хизмат қилади. Ишлаб чиқарувчи кучлар ҳамда саноат тармоқларининг ривожланиши илмий - техник тараққиёт товарларга бўлган талабнинг қондирилишига, товарлар сифатининг яхшиланишига олиб боради.²⁹

Юқоридаги фикирни инобатга олган ҳолда хулоса қилинадиган бўлса, 2010 - 2018 йиллар оралиғида ишлаб чиқарадиган саноат таркибида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши 14.57-29.19 фоиз оралиғида

²⁷ Манба: (3) формула асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

²⁸ Окладников С.М., Иванова А.М., Сафонов Т.А. Исследование влияния трансформации региональной экономики на уровень жизни населения. Вопросы статистики, 10/2016. - 77 с.

²⁹ Ходиев Б.Ю., Махмудов Н.М., Файзуллаев Ё.Ш., Юсупов М.С., Хомидов С.О. Миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини барқарор ривожлантириш омиллари ва тенденциялари. Монография. – Т.: "IQTISODIYOT", 2018. – 373б.

тебраниб турибди. Мазкур таркибда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши 2018 йилда 15.96 фоизни ташкил қилди ва бу олдинги йилларга қараганда камлигини англатади.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. www.lex.uz.
2. Казинец Л.С. Измерение структурных сдвигов в экономике. – М.: Экономика, 1969. -27
3. Юсупов Р., Шомуродов Т. Миллий иқтисодиёт тармоқларида иқтисодий ўсиш хусусиятлари ва унинг ўзгаришлари таҳлили. Biznes – Эксперт. №11(131) – 2018.
4. Нуроев Р.М. Экономика развития: модели становления рыночной экономика: учебник / Р.М. Нуроев. – 2-е изд., перераб.и доп. – М.: Норма, 2008. – 51с.
5. Acemoglu D. Advanced Economic Growth: Lecture 19: Structural Change. MIT. November 12, 2007. -5р.
6. Акаева С.А., Соколов В.Н. Об отраслевых и технологических структурных сдвигах, необходимых для модернизации российской экономики. Модернизация. Развитие. 2016. Т.7.№3. – 38с.
7. Kaldor N. (1966). Causes of the Slow Rate of Economic Growth of the United Kingdom: An Inaugural Lecture. Cambridge University Press.
8. Хомидов С.О. “Фармацевтика саноати ишлаб чиқаришидаги таркибий ўзгаришлар ва уларни баҳолаш”. Иқтисодиёт ва таълим. 2020 №2 105 - 112 б.
9. Кузнец С. Экономическая система д-ра Шумпетера, излагаемая К-89 и критикуемая; Перлман М. Две фазы заинтересованности Кузнеца Шумпетером / Сост. д-р геогр. наук, проф. В. М. Московкин, канд. истор. наук Д. Ю. Михайличенко, перев. Е. Е. Перчик; Под ред. д-ра экон. наук, проф. В. С. Пономаренко. - Х. : ИД «ИНЖЕК», 2013. - 128 с. Русск. яз.
10. K.W. Clements, Jiawei Si [Engel’s Law, Diet Diversity, and the Quality of Food Consumption](#)//American Journal of Agricultural Economics, Vol. 100, Issue 1, January 2018, pp. 1–22, doi 10.1093/ajae/aaх053
11. Менш Г. Технологический пат: инновации преодолевают депрессию. М., 2001
12. Горлова Е. Оценка качества технологической структуры обрабатывающей промышленности. Научные основы мобилизации резервов роста и модернизации экономики: материалы III Форума молодых ученых – экономистов / под общей редакцией д.э.н. Садыкова А.М. / Ташкент: IFMR, 2014. С. 121-122.
13. Олейник Е.Б. Формирование и реализация структурной политики в лесопромышленном комплексе региона (на примере Дальневосточного Федерального округа). Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. Владивосток – 2014. – 76с.

14. Dietrich, Andreas (2009): Does growth cause structural change, or is it the other way round?: a dynamic panel data analyses for seven OECD countries, Jena economic research papers, No. 2009,034. -14p.